

Дори-дармон ва тиббий воситаларни етказиб бериш шартномада

ШАРТНОМА № 21

«10» январь, 2022 й.

Бухоро ви.

«СП "SHINING IMPEX" (ташкilot, корхона номи) (кейинги урицларда «Таъминотчи» деб юритилади) номидан узининг устави (низоми, устави, ишончнома) асосида рахбари Н.Искандаров (вазифаси, фамилияси, исми) тимсолида, бир томондан ва Когон туман Тиббиёт бирлашмаси (корхона, ташкilot, муассаса номи), (кейинги урицларда «Истеъмолчи» деб юритилади) номидан узининг \_\_\_\_\_ низом (низоми, устави, ишончнома) асосида рахбари Ф.К.Ачилов (вазифаси, фамилияси, исми) тимсолида, иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар хакида туздилар.

1. ШАРТНОМА МОХИЯТИ.

«Таъминотчи» «Истеъмолчи»ни талабномаси асосида мазкур шартномага килинган спецификацияга асосан дори-дармон ва тиббиёт махсулотлари билан таъминлаш, «Истеъмолчи» олган махсулот кийматини «Таъминотчи»нинг банкидаги тегишли хисоб-ракамга келишилган муддатда утказиб беришни уз зиммасига олади.

№	Дори дармонлар номи	Ул/бир	Сони	Нархи	Ум/нарх
1	БРОНХО ЦЦ таблетки 500 мг №20 серии: T20102, T20103, T20104, T20105 (Ацикловир 159)	шт	20	55 000.00	1 100 000.00
2	Жарафлю пор. 22гр. №10 со вкусом апельсин серии: S20057, S20062, S20063, S20064, S20065, S20066, S20067 (Парацетамол 34)	уп	30	50 000.00	1 500 000.00
3	Цинковит таблетки жевательный №100 серии: T20088, T20089, T20093, T20094, T20095, T20096, T20097, T20098, T20099 (Аскорбин кислотаси 102)	уп	20	61 000.00	1 220 000.00
	Жами:				3 820 000.00

Шартноманинг умумий суммаси : Уч миллион саккиз юз йигирма минг сум.

2. МАХСУЛОТ СИФАТИ.

2.1. «Истеъмолчи»га УзРда фармакологик руйхатидан утган, тиббиётда ишлатишга рухсат этилган, сифат, маркировка ва урамлари фармацевтик ва техник талабларига жавоб берадиган ҳамда сифат сертификатига эга булган, ярқилик муддати утмаган булган дори-дармонлар ва тиббий махсулотлар етказиб берилади.

3. МАХСУЛОТНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ.

3.1. Махсулотлар «Истеъмолчи»га узаро келишилган транспорт воситаларида тулов талабномалари ва бошка хужжатлар билан кушиб жуватилади. Юки жуватиш билан боглик булган барча харажатлар «Таъминотчи»нинг зиммасига юклатилади.

3.2. Гиёхванд, прекурсорлар, захарли ва психотроп дори-дармонлар «Истеъмолчи» томондан тегишли хукукий органлар томондан махсус рухсатномалар билан «Таъминотчи»нинг омборхонасида «Истеъмолчи» олиб кетади.

4. ХИСОБ-КИТОБ КИЛИШ ШАРТЛАРИ.

4.1. Ушбу шартноманинг дори-дармон ва тиббий махсулотларининг умумий суммаси 3 820 000.00 таъкил этади.

4.2. Сотиб олинадиган дори-дармон учун олдиндан тулов миқдори 1146000 сумми, яъни, белгиланган сумманинг 30 фоизини шартнома имзоланган кундай бошлаб 3 кун ичида тулаши ва бу олдиндан тулов 2022 йил «15» январгача амалга оширилади. Якуний туловнинг миқдори эса 2674000 сумми, яъни, келишилган сумманинг 70 фоизини ташкил этади ва бу якуний тулов хисоб-фактура (ёки ишлар бажарилганлиги тасдиқловчи хужжат) такдим қилингандан сунг газначилик бошқармасида (булимасида) руйхатдан утгандан сунг кучга киради ва 31 декабрь 2022 йилгача амалга килади.

4.3. Тулов шакли пул кучириш йули билан амалга оширилади.

5. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

5.1. Томонлар ушбу шартномани қисман ёки тулик бажармаганликлари учун мулкый жавобгардирлар.

5.2. Шартноманинг 4.1. бандига асосан «Истеъмолчи» махсулотнинг туланмаган киймати бир ойдан кечиктириб тулашга йул куйса, кечиктириб туланаётган суммадан хар бир кун учун 0,4% «Таъминотчи»ни фойдасига пеня тулайди. Лекин пеня киймати кечиктириган тулов суммасининг 50% дан ортик булмаслиги керак.

5.3. Шартноманинг 2.1. бандига асосан «Таъминотчи» томондан сотилган махсулот сифатсизлиги тегишли хужжатлар билан таъминотчи томондан талабнома асосида махсулотнинг сифатли махсулот билан алмаштириб

ОН РАҚАМЛИ ИМЗО ОРҚАЛИ ТАСДИҚЛАНГАН, ҲУЖЖАТ КОДИ: ЕЎ26540186

4. «Таъминотчи» уз вақтида буюртмада курсатилган маҳсулотни оғборидан «Истеъмолчи»га узни етказиб бермаса, агар бу томонларнинг келишувига асосан кузда тугилган бўлса, «Таъминотчи» «Истеъмолчи»га маҳсулотни кечиктириб етказгани маҳсулотнинг умумий кийматининг 0,5% миқдорида жарима тулайди. Лекин, бу сумма кечиктирилган маҳсулот суммасининг 50%идан ошмайди.

5.5. «Таъминотчи»нинг ҳисоб-китоб фактурасида маҳсулот солинган кутилар (тара)ни кайтарилиши кайд этилган бўлса, кутилар 3 кун ичида кайтарилиши керак. Акс ҳолда кутилар кийматидан куйидагича жарима солинади: 30 кундан кечиктирилса 10% , 40 ва ундан ортик кун учун 20%.

5.6. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортимент ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар конун ҳужжатларида ёки ҳужжат шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, «Истеъмолчи» товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, «Таъминотчи»дан сифати, ассортимент лозим даражада бўлмаган товарлар кийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда кайтаришни талаб қилишга ҳақлидир.

#### 6. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

6.1. Ушбу шартномада ёки ушбу боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар энг аввало тарафларнинг келишувин билан хал қилинади.

6.2. Ушбу шартномани тузиш, бажариш, узгартириш ва бекор қилиш вақтида тарафлар уртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тугрисидаги низолар тарафларнинг келишувига биноан конун ҳужжатларида белгиланган тартибда, жавобгар жойлашган ҳудуднинг иктисодий суди орқали хал қилинади.

6.3. Ушбу шартномада назарда тутилмаган бошқа барча масалаларни тарафлар УзР Фуқаролик кодекси ва «Хужалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида» ги конунга амал қилган ҳолда тартибга солинади.

#### 7. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ.

7.1. Ушбу шартномага киритилган барча узгартиришлар ва қушимчалар ёзма равишда тарафлар томонидан тасдиқлангандан кейингина ҳақиқий деб ҳисобланади.

7.2. Моддаларни курсатувчи суз боши шартнома матнини ишлатишда қулайлик яратиш учун қўйилган ва булар шартномани бошқача талқин қилишга асос бўлмайди.

7.3. Ушбу шартнома тарафларнинг барча шартларини акс эттирган. Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабрь.

#### 8. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига беэосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

#### 9. ШАРТНОМАНИНГ КОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ.

9.1. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади. Шартноманинг амал қилиш мудати 31.12.2022 йилгача.

9.2. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- томонларнинг келишувига мувофиқ;

- Уз.Р. конунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.

#### 10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ.

« ТАЪМИНОТЧИ »  
СП "SHINING IMPEX"

г. Ташкент, Чиланзарский р-и, ул. Новза-Козиробод,

Х/р: № 20208000900271107001

ТГФ АКБ "Капиталбанк" МФО 00445.

СТИР 201080085

Тел 0 (371) 279 78 70,

Факс 0 (371) 279 78 70, 0 (371) 279 78 70,

ХХТУТ

« ИСТЕЪМОЛЧИ »

Когон туман Тиббиёт бирлашмаси

(бюджетдан маблағ олувчи ташкилотнинг номи)

Манзил: Когон шаҳар Дустлик №50

Тел/факс 52-4-81-59

ш/х. 100022860062197073101054001

бюджетдан маблағ олувчи СТИРи 201172896

ОКОНХ 91511

Газначилик булинмаси номи: Когон туман Газначилик булинмаси

(Ғазнаҳ/в)

Банкнинг номи: Марказий банк Тошкент ш

МФО: 00014

Газначилик булинмаси СТИРи: 201122919

Раҳбар \_\_\_\_\_ Н. Деҳандаров

Раҳбар:  
(лавозим)



Илов *ф.п. К. Асенов*





**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI  
BUXORO VILOYATI ADLIYA BOSHQARMASI  
KOGON TUMAN YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI**

200700, Kogon shahar, Amir Temur ko'chasi, 3-uy,  
tel.: (998 91 447-40-70) , el.pochta: kogontyurmarkaz@adliya.uz

**2022-yil 11-yanvar**

**Kogon tuman Tibbiyot birlashmasiga**

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJJATLARNING QONUN  
HUIJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

1.Loyihaning turi: Shartnoma.

2.Loyihaning nomi.

Kogon-tuman Tibbiyot birlashmasi hamda "SHINING IMPEX" X/K o'rtasida tuzilgan dori-darmon va tibbiy vositalarni yetkazib berish to'g'risidagi №21-sonli shartnoma.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot.

Kogon tuman Tibbiyot birlashmasi tomonidan ishlab chiqilgan va 11-yanvar 2022-yilda markazga kiritilgan.

Loyiha "Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasining 670-I-sonli qonuni va boshqa qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Kogon tuman Yuridik xizmat  
ko'rsatish markazi bosh yuriskonsulti**



**Sh.Sharipov**



№ 9822-9560-59f2-d38a-6c67-0579-3925  
Ҳужжат яратилинган сана: 2021-03-23  
Ариза рақами: 28775133

Ҳужжат берилган: SHINING IMPEX OK  
Қабул қилувчининг идентификация рақами: 302773270

Серия: - №: -

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги  
Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги  
Фармацевтика фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига 15840 - сонли  
ЛИЦЕНЗИЯ

Ушбу лицензия "SHINING IMPEX" оилавий корхонасига тайёр дори воситаларини улгуржи реализация қилишни амалга ошириш учун берилди.

Жойлашган жойи (почта манзили): Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, К.Ерматов, 4.

Солиқ тўловчининг идентификациялаш рақами (СТИР):	302773270
Лицензия берилган сана:	19-03-2021 йил
Амал қилиш муддати:	19-03-2026 йил
Лицензиянинг реестр бўйича тартиб рақами:	14426-21
Ваколатли шахс:	С.Кариев

ZUFAROVA GULNORA XAYRULLAYEVNA

Мазкур ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали тўғрисидаги низоғга мувофиқ шакллантирилган электрон ҳужжатнинг нусхаси ҳисобланади. Электрон ҳужжатнинг нусхасида кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш учун govo.gov.uz веб-сайтига ўтинг ва электрон ҳужжатнинг ноёб рақамини киритинг ёки мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг. Диққат! Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ электрон ҳужжатлардаги маълумотлар қонуний ҳисобланади. Давлат органларига Ягона порталда шакллантирилган электрон ҳужжатларнинг нусхаларини қабул қилишни рад этишлари қатъиян таъқиқланган.

6351

